

Гулнора ХУДОЙБЕРГАНОВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Динишунослик ва жаҳон динларини
қийёсий ўрганиш ЮНЕСКО кафедраси
катта ўқитувчиси
gulnoraxudoyberganova@iiaau.uz

ТАСАВВУФДА ЗОҲИДЛИК МАСАЛАСИ

THE ISSUE OF ASCETICISM IN MYSTICISM

ПРОБЛЕМА АСКЕТИЗМА В МИСТИЦИЗМЕ

Аннотация. Тасаввуфга асос солган зоҳидлик кайфияти ислом дини билан деярли бир вақтда юзага келди. Пайгамбар (а.с.) даврларидаёқ Абу Зар Ғифорий, Ҳузайфа ибн Ямоний, Салмон Форсий каби айрим саҳобийларда зоҳидона қараш ва турмуш тарзи намоён бўлган эди. Зеро, «тасаввуф» атама сифатида IX асрнинг бошларидагина Ироқ ва Суриядаги зоҳидларга нисбатан қўллана бошлаган.

Таянч иборалар: тасаввуф, зоҳидлик, Ҳорис Муҳосибий, Ҳаким Термизий, муруқаба, мусобаҳа, тақво, суфий, мутасаввиф, маърифат.

Аннотация. Аскетические убеждения, легишие в основу суфизма, возникли почти одновременно с исламом. Даже во времена Пророка (да благословит его Аллах и приветствует) некоторые сподвижники, в числе которых и Абу Зар Ғифари, Ҳузайфа ибн Ямани, Салман Фарси, придерживались аскетических взглядов и благочестивого образа жизни.

Ключевые слова: суфизм, аскетизм, Харис Мухасиб, Ҳаким Термизи, самосозерцание, размышление, мусобаҳа, благочестие, богобоязненность, воздержание, суфий, мутасаввиф, просвещение.

Annotation. The spirit of asceticism, founded on mysticism, arose almost simultaneously with the religion of Islam. The prophet (pbuh) from immemorial epoch, some companions, such as Abu Zar Ghifari, Huzaiifa ibn Yamani, Salman Persia, had an apparent look and a way of life. After all, mysticism as a term began to be used about the hermits in Iraq and Syria only at the beginning of the IX century.

Key words: mysticism, asceticism, Horis Muhasibi, Hakim Termiziy, muraqaba, musahaba, fear, Sufi, mutasavvif, ma'rifah.

Ҳижратнинг дастлабки асрларида зоҳидлик муносабати исломнинг деярли барча соҳаларига таъсир кўрсатди. Кўпинча улар ниск (“тақво”, “зоҳидлик”), қаноат (“истакларнинг мўътадиллиги ва назорати”) ва вараъ (“диний қонун билан руҳсат этилган ва таъқиқланган нарсаларни фарқлашда ҳаддан ташқари тақво қилиш”) атамаларини ишлатишган, аммо VIII асрда бу тушунчалар зухд атамаси билан алмаштирилган.

IX аср давомида тасаввуф назариёти ва амалиётида катта ўзгаришлар рўй берди. Бу даврда бир қанча суфийлик мактаблари пайдо бўлиб, улар орасида Басра мактаби билан бир қаторда Бағдод ва Хуросон мактаблари кўзга ташлана бошлади. Бу тариқат вакиллари асосий эътиборни кўпроқ солиқнинг ички ҳолатига, яъни унинг ботиний мақом ва манзилларига қаратар эдилар. Бу эса ўз навбатида бағдодлик Ҳорис Муҳосибий (781-857) томонидан ўз-ўзини назорат қилиш – «муруқаба» ва «муҳосаба» усулларини ишлаб чиқишига замин яратди. Бу усуллар энг аввало кишидаги ният ва қалбдаги нозик ўзгаришларга қаратилган эди. Зеро, улар охири-оқибатда инсон фаолиятини белгилаб берадиган омиллар ҳисобланади. Муҳосибийнинг «муҳосаба» ҳақидаги таълимоти Мовароуннаҳр ва Хуросонда маломатийлик йўналиши шаклланишига туртки бўлди. Маломатийлик ғоялари кўплаб тариқатларга, жумладан, нақшбандийликка ҳам таъсир кўрсатган.

Муҳосибий инсонларни қийнаётган руҳий ҳолатлар ҳамда қалб касалликларининг ечими тўғрисида бир қанча асарлар ёзган. Асарларининг аксарияти инсонни маънавий комил қилиб ўстириш, зоҳирий ва ботиний айб нуқсонлардан поклаш ҳақида эди. У ўзининг «Қалблар ва хотиралар» асарида суфийлик «психологияси»нинг асосий қоидаларини таърифлаб берган. Шахс ўз-ўзини камолотга

етказишининг асосий воситаси ўз-ўзини кузатув ва ўзини назорат қилиши (муроқаба ва муҳосаба)дир, деб билгани учун унга Муҳосибий лақаби берилган, яъни «ўзини-ўзи назорат қилувчи, ўзига-ўзи ҳисоб берувчи». Муҳосибий 30 дан зиёд асар ёзган, улардан машҳурлари «Китоб ар-риъая ли-ҳуқуқ Аллоҳ» («Аллоҳнинг ҳақларига риоя қилиш»), «Китоб ат-таваҳҳум» ва «Китоб ал-баъс ва-н-нушур» («Қайта тирилиш ва йиғилиш китоби»), суфийликка қадам қўйганлар учун ўғитлар сифатида «Китоб ал-васая» («Тавсиялар китоби») дир.

Муҳосибий фикрича зуҳд (аскетизм) инсон маънавияти асосларини ўз ичига олади. Унинг сўзларига кўра, зуҳд дастлаб зоҳидлар қалбида яшайди ва ҳар бир зоҳид ўз эътиқоди ва маърифатуллоҳига мувофиқ зуҳдга эгадир, яъни “Ҳар бир зоҳиднинг зоҳидлиги унинг маърифати миқдорига, маърифати эса ақлининг миқдорига, ақли эса имонининг қувватига қараб бўлади”.

Худди шунингдек, маърифат унинг салоҳияти (ақл)га мос равишда намоён бўлади, ақл эса ўз навбатида тизимли равишда унинг имонига мувофиқ шаклланади. Муҳосибий ақл – бу Худо қалбга жойлаган ёритувчи нурдир, дейди. Инсон ҳақиқатни ёлғондан “ақл” ёрдамида фарқлаши мумкин ва унинг нутқи бу сифатларнинг бир қисмига эга эканлигини кўрсатади. Агар у тўғри ва оқилона сўзласа, инсонлар унга ақлли инсон сифатида муносабатда бўладилар, лекин у нотўғри ва асоссиз гапирса, у ҳолда инсонлар уни аҳмоқ сифатида таърифлайдилар.

Муҳосибий қалбда 2 турдаги: доимий, барқарор ва ҳаракатланувчи ёки беқарор англаш мавжудлигини таъкидлайди. Худди сув ўз ўзанидан ташқарига чиқиб, то сингиб кетгунига қадар оққани каби ҳаяжон вақтида маърифат ҳаракатга келади. Сув тинганда у тоза ва тиниқ бўлади. Маърифат ҳам банда қалбида шу каби бўлади ва бандани ҳузуъ, илм ва ҳилмга, шунингдек, Аллоҳнинг ваъдаларига ҳуснуз-занн (яхши гумон) ва сабр қилишга олиб келади[1:33].

Муҳосибийнинг таъкидлашича, шу йўл билан Аллоҳдан доимий ҳафв, ражо (умид), ҳаё каби ҳислатлар орифлар қалбида устуворлик касб этади.

Муҳосибий инсонни илм ва маърифатга олиб боровчи услубни янада батафсил баён қилиб, Аллоҳни билишни Унинг Ўзини Ўзи ифодалаган йўл билан, яъни У бир вақтнинг ўзида Қодир, Қудратли, Меҳрибон, Азим, Мағфиратли, Раҳмли сифатларини мужассам этган Зот эканлиги ҳақидаги билимларни ўзлаштириш орқали эришиш мумкинлигини айтади. Унинг борлигининг аввали ва охири йўқ. У ҳар бир кичик нарсани билади, Унинг илмидан ҳеч нарса четда қолмайди. Муҳосибий агар кимдир Яратганни шу йўл билан таниса, қалби унинг учун бир ҳил истакни (ражаб) ва кўркувни ҳис қилиш кераклигини таъкидлайди. Шундай қилиб, Муҳосибийнинг фикрича, Яратганнинг маърифати Унга жуда яқин муносабатда бўлишни талаб қилади. Ушбу муносабатларни маънавий ва амалий жиҳатдан ҳал қилмасдан ҳеч ким Яратган ҳақидаги билимни тўлиқ ололмайди. Яъни, инсон ўзи эгаллаган илмнинг моҳиятини тўлиқ англаб етмасдан бошқаларга бу ҳақда тушунтириши ножоиздир.

Шунингдек, Ҳорис ал-Муҳосибий руҳий қувватни бир нуктага жамлай билиш усуллари икки йўналишда ишлаб чиқди ҳамда инсоннинг ўз нафсини кузатиш ва назорат қилиш (муроқаба ва мусохаба) қоидаларини - “Илм ал-қулуб вал-хатарот” (Қалб ва унинг маърифати йўлидаги хавф хатарлардан сақланиш илми) асарида таъкидлашича, “асосий нарса ниятда, аммо инсоннинг покланиши йўлида турли хатарлар, масалан, кибр, риё ва бошқалар мавжуд. Уларни енгиб ўтиш учун инсон ҳар бир қадамини Аллоҳ иродасига мувофиқ босмоғи ва фақат Аллоҳ ризолигини сидқ ва ихлос билан тиламоғи керак, шунингдек, инсон кўнглида илоҳий муҳаббат чироғини ёқувчи ҳам Аллоҳнинг ўзидир”, дейди [1:35].

Хижрий I-II (VII-VIII милодий) асрларда зоҳидларда намоён бўлган хусусият – қилган тоат ибодатларида, дунёдан юз ўгиришларида

ва ҳар қандай зоҳидона турмуш тарзларида Аллоҳнинг розилигини топиб, жаннатга кириш ва жаҳаннам азобларидан қутулиш ғоясига эга бўлишларидир. Яъни, уларнинг ҳаётларида устувор бўлган туйғу ва тушунча – жаҳаннам кўркуви ва жаннатда Аллоҳнинг жамолини кўриш умиди эди. Бу даврдаги зоҳидларда аввал «кўркув»га таянган зуҳд тушунчаси ҳукмрон эди. Лекин ҳижрий II асрда Басра тасаввуф мактабига мансуб машҳур зоҳид Робия ал-Адавия (ваф. 752 й.) билан боғлиқ янгича туйғу ва тушунчалар, яъни илоҳий ишқ тушунчаси тасаввуфга кириб келди.

Аммо «зуҳднинг ўзи ҳам тасаввуфдан алоҳида ҳолда ривожланиб борган», – деган қарашлар ҳам айрим олимлар орасида учрайди. Чунончи, баъзи тадқиқотчилар зуҳдни тасаввуфнинг бошланғич нуқтаси, деб билмай, зуҳд ўзи алоҳида бир йўналиш сифатида тараққий этган деб ҳисоблайдилар. Бунга далил қилиб зоҳидликни тасаввуфдан алоҳида тарзда мустақил ҳолда давом этганлиги билан изоҳлайдилар: «Агар тасаввуф зоҳидликнинг кейинги босқичи бўлганида эди, зоҳидлик тасаввуф тараққий топган даврларда йўқ бўлиб кетган бўлар эди. Лекин манбаларда мамлуклар даврида Миср фақиҳ ва уламоларининг аксарияти суфий эмас, балки зоҳид бўлганликлари қайд этилади. Шунингдек, «Ажаиб ал-осор» асарида 1744 йил вафот этган Мустафо ал-Азизий ҳам «зоҳид» деб тилга олинади.

Ваҳоланки, у тасаввуф энг юқори мавқеъга эришган усмонийлар даврида фаолият кўрсатган. Зуҳднинг тасаввуф билан аралаштирилишига сабаб эса, аввалги суфийлар ўз таълимотларининг ислом динига мувофиқ келишини тасдиқлаш учун нуфузли тобейлар Ҳасан ал-Басрий, Суфён ас-Саврий ва Саид ибн Жубайрни ҳам етакчи суфийлар сирасида зикр этганлар. Аслида эса зуҳд ва тасаввуф тушунчалари ўртасида катта фарқ бўлиб, мутасаввифлар зуҳд усулларида истифода этган ҳолда ўз таълимотини ёйишга эришганлар».

Зуҳд мавзусини X-XIII асрларга оид ҳадис, агиографик адабиёт ва тасаввуфнинг «маърифат» мавзуси билан боғлиқ асарларнинг дастлабки тўпламларида учратиш мумкин. Зуҳд тушунчаси илк мусулмон тақводорлиги (зуҳҳад) нинг кўзга кўринган намоёндалари, жумладан, Ҳасан Ал-Басрий, Суфён ал-Саврий, Иброҳим Ибн Адҳам ва бошқалар орасида шаклланди. Баъзи ғарб исломшунос олимларининг фикрича, зуҳд тушунчаси, христиан роҳиблиги, монийлик ва ҳинд анъанаси таъсирида шаклланган ва тасаввуф анъанасига мос равишда ривожланган.

Марказий Осиё тасаввуфининг IX-X асрлардаги энг ёрқин намоёндаси ал-Ҳаким ат-Термизий ўзини «суфий» ёки «мутасаввиф» деб ҳам ҳисобламаган, яъни ўша даврда Мовароуннаҳр ва Хуросон минтақасига кириб келаётган Ироқ тасаввуф мактаби таълимотлари таъсирига учрамаган, балки ана шу таъсирга тушган юртдош мистикларни танқид қилган. Жумладан ал-Ҳаким ат-Термизий шундай ёзади: «Замонамизда ўзини зоҳид қилиб кўрсатувчилар пайдо бўлган. Саҳобий ва тобейлардан бўлган салаф солиҳлар сидқ ва ўз динларини эҳтиёт қилиб, бориға қаноат қилиб, жун (*суф*) ва жулдур кийим (*ҳалиқон*) кийганлар, одамларга аралашшдан ўзларини тийганлар. Улар бу амалларни Аллоҳ таолодан кўрқиб, Унинг олдиға дунё қолдиқлари билан ифлосланиб бормаслик учун қилганлар. Уларнинг бу ишлари худди чўкиб кетишдан кўрқиб денгизға тушишдан кўрққан одамға ўхшайди. Бу эса уларнинг эътиқодлари заифлигидандир. Улардан кейин эса худди шу ишларда содиқ-ростгўй бўлмаган кишилар уларға эргашиб, *суф* ва *ҳалиқон* кийишға, қотган нон ва қолдиқлар ейишға киришдилар. Улар бу билан зуҳдларини намоён қилмоқчи бўлдилар, қалблари эса дунё шаҳватлари билан тўла, уларнинг дунёлари динларини еб қўйган [2:225]. Шу ерда биз Ироқ тасаввуф анъаналаридан бири бўлган «*суф* кийиш»ға ал-Ҳаким ат-Термизий танқидий назар билан қараётганининг гувоҳи бўламыз. Яна бир ўринда, аллома: «Улар ўзлари зоҳидлик нима эканлигини билмайдилар, зуҳд бу – дунёни ҳақорат қилиш, қолдиқларни ейиш, жун (*суф*)

кийиш, бойларни қоралаш, фақирларни мадх этиш деб тушунадилар [2:366]. Аслида эса зуҳд – *имотат ан-нафс* (нафсни ўлдириш)дир», – дейди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки ислом ашаддий зоҳидликни ман этади, зеро, Қуръон ва суннатларда ашаддий зоҳидликка чақириқлар йўқ. Бундан ташқари, ҳадислардан бирида «Исломда роҳиблик йўқ», дейилган. Ҳижратнинг дастлабки асрларидаги суфийлар эса зуҳд мўминни Аллоҳга яқинлаштирувчи қадамлардан бири, ҳисоблаб, бунда Қуръонда зикр этилган «Аллоҳга таваккул» тамойилини назарда тутганлар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдулло А. Ал-Ҳаким ат-Термизий. //Совет Шарқи мусулмонлари. – 1990. – № 4. – Б. 14-17.
2. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 432 б.
3. Аҳмедов Б. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. – Т.: Ўқитувчи, 1991. – 216 б.
4. Al-Harith b. Asad Al-Muhasibl, al-Qasdw-al-ruju‘ ila Allah, ed. ‘Abd al-Qadir Ahmad ‘Ata (Каир, 1980) – P. 330.
5. Ал-Ҳаким ат - Термизий. Наводир ал-усул. – Қоҳира: Дар ар-райён ли-т-турос, 1988. Т. I. Б. 366.
6. Жузжоний А. Ислом ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – 255 б.
7. Ислом энциклопедияси. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004. – 320 б.
8. Комилов Н., Ёқубов А. Марказий Осиё халқлари тафаккури ривожда тасаввуфнинг ўрни. – Т.: Академия, 2005. – 84 б.
9. Косоний Саййид Мубашшир Сулаймон. Ўрта Осиё тарихи. 2 томлик. – Саудия Арабистони: Абҳо. Т. I. – 394 б.
10. Маънавият юлдузлари (Марказий осийлик машхур сиймолар, алломалар, адиблар). – Т.: А. Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 2001. – 408 б.
11. Norqobilov, M. X. (2020). The importance of social environment of Temur and the temurians period and the period he lived in the scientific work of Sa’duddin Taftazani. Theoretical & Applied Science, (3), 319-322.
12. Norqobilov, Mirzoqul (2020) “Philosophical and logical analysis of sophistic thinking in the work “Sharh al-aqeed An Nasafi” by the great thinker Sadeddin Taftazani,” The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 14. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/ijau/vol2020/iss3/14>
13. Петрушевский И. П. Ислам в Иране в VII-XV веках. – Л.: Издательство Ленинградского Университета, 1966. – 400 с.
14. Прозоров С. Джаҳм б. Сафван // Ислам: Энциклопедический словарь. – М.: Наука, 1991. – С. 64.
15. Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма.– М.:Наука, 1987. –190 с.
16. Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе / Перевод с англ. А.А.Ставиской, под ред. и предисл. О.Ф. Акимовской. – М.: Наука, 1989. – 326 с.
17. Usmonov I. “Muslim altruism ideas in the scientists’ writings of Maverannah,” The Light of Islam: Vol. 2018 : Iss. 1.